

AGRO

IQTISODIYOT

4
2019



МУНДАРИЖА

3. **Қ.ЧОРИЕВ.** Қишлоқ хўжалигида кооперация шакл ва муносабатларини ташкил қилиш: муаммо ва ечимлар
8. **Я.АЛИЕВ.** Аграр соҳада инновацион фаолиятни ташкил этиш
11. **М.ПАРПИЕВА.** Иқтисодий инновацион ривожлантириш омиллари ва функциялари
14. **С.РАСУЛОВ.** Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва унинг ўзига хос жиҳатлари
17. **А.РАСУЛОВ.** Инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришнинг аҳамияти ва йўллари
20. **У.НАЗАРОВА.** Инновацион тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари
23. **Б.ДУСМАТОВ.** АСМ тармоқларида инновацион фаолият
26. **А.МАМАТҚУЛОВ, И.МАМАТҚУЛОВ.** Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг маҳаллий инвестицияларга таъсирини баҳолаш
28. **Э.РАХИМОВ.** Вопросы эффективного управления факторов инвестиционной активности в целях обеспечения инвестиционной привлекательности региона
31. **З.АЛЛАБЕРГАНОВ, Ш.ХАЛИКУЛОВА.** Иқтисодий инновацион-инвестицион ривожланишини эконометрик моделлаштириш масалалари
35. **Н.САИДАХМЕДОВА.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш йўллари
37. **С.ГАШПАРОВ.** Қора полиэтилен плёнка остига қўш қаторлаб экилган гўзани томчилатиб сугориш самараси
41. **А.ЖУМАНОВ.** Боғдорчилик ва узумчиликда сув тежовчи технологияларни қўллаш самарадорлиги
43. **А.МИРЗАЕВ.** Технико-экономические аспекты совершенствования использования земельных и водных ресурсов
46. **Ў.МУХТОРОВ.** Ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича хорижий тажрибалар
49. **Ч.ХЎЖАГЕЛДИЕВ.** Фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш хусусиятлари
52. **Б.МЕНЛИҚУЛОВ, И.ДАВЛЕТОВ.** Фермер хўжаликларида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш ва ҳисобда акс этириш масалалари
56. **А.БОЛТАЕВ.** Таъминот ташкилотларида товарлар киримини ҳисобга олишнинг айрим масалалари
59. **Г.ТУРСУНҚУЛОВА.** Харажат, таннарх ва калькуляция тушунчаларининг иқтисодий мазмунини очиқ беришга ёндашувлар
62. **Х.КАЛИМБЕТОВ, Г.ПИРНИЯЗОВА.** Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилишдаги асосий талаблар
64. **О.ХАТАМОВ, И.БОБОМУРАТОВ.** Паррандачиликни ривожлантиришнинг ҳудудий иқтисодий-статистик таҳлили
67. **О.ДЖУРАБАЕВ.** Методики процессного подхода в управлении и определении критерий технологической эффективности пчеловодческих хозяйств
69. **Ж.САУХАНОВ.** Чорвачилик тармоғини ривожлантиришда яйловлардан унумли фойдаланиш масалаларини оптималлаштириш
71. **З.МУРАТБАЕВА.** Ипақчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини яратилиши
74. **З.УСАНОВ.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари
76. **С.ТОШАЛИЕВА.** Томорқа хўжаликларида оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатлари
78. **С.ТОПИЛДИЕВ, М.АБДУЛЛАЕВА.** Аграр сектордаги таркибий ўзгаришлар ва уларнинг асосий хусусиятлари
81. **Ф.ЮЛДАШЕВА.** Математические основы цифровой экономики в сельском хозяйстве
83. **Н.KHUSANOV, D.KHUSANOV.** Impact of the GCI index on the increase in foreign direct investment
86. **Б.БОЛТАЕВ, Х.БОЛТАЕВ.** Бошоқли дон ҳосилдорлигини оширишда агрокимёвий хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлиги
89. **С.ДАВЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги
91. **Г.НАРИНБАЕВА, Ж.РОЗИҚОВ, Ф.ПОЛВОНОВ.** Агрокластерларни моҳияти ва уни ривожлантириш омиллари
93. **Ҳ.АҚБАРОВ.** Боғдорчиликда кластерли тузилмани ривожлантириш босқичлари
96. **А.ЗАКИМОВ.** Қизилмия етиштириш ва қайта ишлаш тизимида агросаноат интеграцияси ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш
98. **Б.СОБИРОВ.** Эркин иқтисодий зоналарни ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари
100. **Б.ДЖУРАЕВ.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рекламасини самарали ташкил этиш усуллари
103. **Г.САТТИҚУЛОВА.** Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш тизимини такомиллаштириш йўналишлари
106. **М.АЧИЛОВ.** Мева-сабзавотчилик соҳасини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари
108. **О.САТТОРОВ.** Интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
110. **Ш.АЛЛАЯРОВ.** Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш масалалари
113. **Г.ТУРДИЕВА.** Кредит қобилияти таҳлилига амалий жиҳатдан ёндашув
115. **Ж.КАЛИМБЕТОВ.** Аҳоли даромадлари таркиби ва уни солиққа тортиш масалалари
118. **Ш.РАЖАБОВ, А.КАМИЛОВ.** Иккиёқлама солиққа тортишга оид иқтисодий сиёсат
121. **Г.БАЙМУРАТОВА.** Сугурта ташкилотларининг молиявий-воситачилик функцияларининг трансформацияси
124. **З.САМАТОВ.** Таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорлик йўналишлари
126. **У.ЗАЙНУТДИНОВА.** Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари
130. **Ж.КУЧАРОВ.** Қишлоқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан таъминлашнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари
134. **Л.ШОРАХИМОВА.** Меҳнат бозорини ривожлантиришда интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиш йўллари
136. **А.ЭСАНҚУЛОВ.** Ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш
139. **Х.ҲАЙИТОВ, У.МУХТОРОВ.** Поймадаги дамбалар оралигини қисман ўзлаштирилишнинг сиқилиш зонасига таъсири

БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Азамат ЖУМАНОВ,
илмий ходим, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада боғ ва токзорларни суғоришда ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг афзалликлари ҳамда тоғ олди ҳудудларида мевали боғларни тежамкор технологияларни қўллаш асосида суғориш йўналишлари таклиф этилган.

Аннотация: В статье учитывая преимущества применения ресурсосберегающих технологий при поливе садов и виноградников, предложены направления орошения фруктовых садов предгорной зоны с применением сберегающих технологий.

Abstract: Given the advantages of using resource-saving technologies when irrigating orchards and vineyards, the article proposes areas of irrigation of fruit orchards in the foothill zone using conservation technologies.

Республикаимизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, шу жумладан мевачилик ва узумчиликни жадал ривожлантириш, мева ва узум ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда уларни мавсумдан ташқари даврда сақлаш бугунги кунда тобора долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий ва интенсив боғ ва токзорларни тоғ ва тоғ олди ҳудудлари бўлган Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон (Тошкент вилояти), Ургут, Нурато (Самарқанд вилояти), Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Деҳқонобод ва Яккабоғ (Қашқадарё вилояти) каби туманларда ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд.

Тупроққа ишлов беришнинг қулай муддати куз ва баҳордир. Нишабли майдонларда боғ ва токзорларда ишлов беришда текис ерларда қўлланиладиган трактор ва механизмлардан фойдаланиш мумкин. Жойнинг қиялиги даражаси 7–8 градус бўлганда лантаж плуг билан (ПП–60) кенглиги 2 м, нишаби кўндалангига 40–60 см чуқурликда ерлар ҳайдалади. Бу ҳолатда тупроқни эрозиядан сақлаб нам йиғилишини яхшилайти. Мева ва узумнинг тури ва навлари нишаб жойларининг йўналишига, тупроқ шароитини денгиз сатҳидан баландлигига қараб, тур ва навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади. Тоғ қияликларида, дарахт қатор ороликларидаги тупроқини механизация ёрдамида имконияти бўлса, дарахтлар қуйидаги схемада жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан олма, шафтоли 8x6, 8x5 м, шартли суғориладиган майдонларда узум 3x2,5 м ва лалмида 3x3 м масофада экилади.

Боғ ва узумзорларни кўчатларини экишдан олдин тупроқ 15–18 см чуқурликда юмшатиб борилади. Лалмикор ерларда эса кўчат экишнинг энг яхши муддати куз ойлари дир. Баҳорги экинларни иложи борица қорлар эриб, апрелнинг ўрталаридан кечикмасдан, эртароқ эккан маъқулдир. Тупроқни пиллапоя усулида тайёрлаб, кўчатни пиллапояннинг ўртасига экилади. Лалми шароитида тупроққа сув яхши сингиб бориши учун уни юмшатилагани ҳолатда сақлаш керак. Бунга 35–40 см чуқурликда ҳайдаш орқали эришилади. Биринчи тўрт йилликнида тупроқ 40–50 см чуқурроқ юмшатиб борилади, кейинги йиллар давомида эса 25 см гача камайтиради. Бу тадбир тупроқдаги намликни максимал йиғилишига ва ниҳоят қияликлардан сувни оқиб кетишига йўл қўймайди [2].

Тоғ ва тоғ олди минтақаларида мевазор ва токзорлардан юқори ҳосилдорликка эришиш учун сув муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган Қашқадарё вилоятида тупроқ-иқлим кўрсаткичлари билан бошқа вилоятларидан ажралиб туради. Вилоятнинг иқлими кескин ўзгарувчан континентал ва шу билан бирга ёзи иссиқ, қиши анча совуқ бўлганлиги туфайли қишда шимолий арктика совуқ ҳаво оқимлари келиб, ҳароратни анча пасайтириб юборади. Йилига текисликларда 290–300 мм, адирларда 320–550 мм, тоғларда эса 550–650 мм ёгин тушади. Ёгин асосан баҳор ва қишда ёғади.

Суғоришни тўғри ташкил этиш ҳамда унинг меъёр ва муддатларини белгилашда жойнинг сув билан таъминланганлигини, тупроқнинг агрофизик ва сув-физик хусусият-

Калит сўзлар: боғдорчилик, узумчилик, инновацион технология, тежамкор технология, сув ресурслари, эҳтиёж, лантаж плуг, мева, узум, эрозия, тоғ, тоғ олди, ток, намлик

ларини, сизот сувлари чуқурлигини инобатга олиш, шунингдек, етиштирилаётган экинларни сувга бўлган талабини билиш катта аҳамиятга эгадир. Ушбу маълумотларга қатъий амал қилган ҳолда мевали боғ ва токзорларни суғориш, уларнинг бир меъёрда ўсиши, юқори ва сифатли ҳосил тўплашини таъминлайди. Бундан ташқари, тадбиқ қилинаётган суғориш технологияларининг иқтисодий самарадорлигини билиш ҳам зарур. Боғ ва токзорларни суғоришда янги замонавий усуллари-дан фойдаланиш ҳозирги кунда катта аҳамият касб этиб келмоқда. Булар қуйидагилар: ер остидан суғориш, ёмғирлатиб суғориш ҳамда томчилатиб суғориш усуллари-дир [3].

Суғоришга сув етишма-ганда ҳўраки узум навларини суғориш тавсия этилади. Биринчи йил экилганда токзор мавсумда 2–8 марта суғорилади. Биринчи суғориш туплар доимий жойга экилганда, ҳар битта тупга 20 л ҳисобида сув берилади. Навбатдаги суғориш ҳар 15–20 кундан кейин ўтказилади. Навлар пишишини яхшилаш учун куз бошида суғоришлар тўхтатилади, 2 ва 3 ёшли ёш токзорлар вегетация даврида 6–8 марта суғорилади. Кўчатзорда қаламчалар экилганда 1 метр қатор кўчатзор 30–40 литр сув ҳисобида суғориш ўтказилади. Навбатдаги кейинги (6–8) суғоришда 400–800 м³ сув 1 гектарига берил-ди, кўчатзор майдонда намлик 85 % дала нам сифимида ушлаб турилади.

Токзорларни суғоришнинг замонавий янги усуллари анъанавий суғориш усуллари-дан тубдан фарқ қилади. Айниқса сув камчил, суғоришнинг бошқа усуллари-ни қўллаш қийин бўлган ҳудудларда катта аҳамиятга эга. Унинг бошқа суғориш усуллари-дан афзаллиги шун-даки, бунда сув ҳар бир ўсимликка белгилан-ган миқдорда автоматлаштирилган тарзда бе-

рилади.

Томчилатиб суғориш тизимига махсус сув ҳавзаси, сув босимини ҳосил қиладиган мино-ра, сув ўтказувчи шланглар, улар орқали сувни босим билан ҳайдовчи насослар, сувни керак-ли миқдорда томчилаб оқишини тартибга со-лувчи учликлар ва бошқалар киради. Тоғ ва тоғ

Жадвал.

Боғларни турли усулларда суғоришнинг самарадорлиги (Ляни маълумотлари бўйича)

Суғориш усули	Суғориш сони	Суғориш меъёри, га/м ³	Мавсумий суғориш меъёри, га/м ³	Ҳосилдорлик, га/т	Самарадорлик коэффициенти, т/м ³
Назорат (суғорилмаган)	-	-	-	5,22	-
Жўяклар	3	700	2100	9,13	5,38
Ёмғирлатиб	3	500	1500	9,59	3,43
Тупроқ ичидан	3	300	900	10,71	1,66
Томчилатиб	19	34	646	11,52	1,02

олди минтақаларда ҳам томчилатиб суғориш усуллари-дан фойдаланиш мумкин.

Жадвалда кўришиб турибдики ҳар бир суғориш усуллари гектарига суғориш меъёрини ўзгаришини ҳамда ҳосилдорлигини ошганли-гини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, тоғ-ли ва тоғ олди минтақаларида узумзор ва боғ-роғлар барпо қилиш тоғларга ёққан қорнинг секин эриши, намлик узоқ сақланиши дарё сувларининг кўпайиши таъминланибгина қолмасдан, тоғ жинсларининг емирилиши, эрозияси каби салбий жараёнларга бар ҳам бе-ради. Сув тақчил бўлган шароитда сувдан са-марали фойдаланиш, суғоришни тўғри ташкил этиш, мевали боғ ва токзорларни парвари-шлашда ўтказиладиган агротехник тадбирлар орасида муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун мамлакатимиз ҳудудларида юзага кела-диган оқар сувга эҳтиёж ошиб бориши билан бир вақтда унга янада тежамкор муносабатда бўлишимиз ҳам зарур.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013–2017 йиллар дав-рида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурслари-дан оқилона фойдаланишни ташкиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Рибакков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., «Ўқитувчи», 1981. Б–510.
3. Мирзаев М.М., Собиров М.К. Ўзбекистонда боғдорчилик. Т., 1987. Б–146.
4. Мирзаев М., Темуров Ш. Боғ ва токзор агротехникаси. Т.: 1978. Б–218.
5. Мирзаев М.М., Джавакянц Ю.М. Мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиянома. Тошкент, 2006.